



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 17-iyul, shanba, 80 (23.516)-son

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Ўзаро алоқаларни
ва минтақавий
ҳамкорликни
мустаҳкамламасдан
туриб, бугунги кунда
мамлакатларимиз дуч
келаётган хавф-хатар
ва таҳдидларни енгиб
бўлмаслигини чуқур
англаш вақти келди.
Шавкат МИРЗИЁЕВ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO
15-16 IYUL, TOSHKENT

...Биз мамлакатларимиз ва минтақанинг узоқ муддатли истиқболи, келгуси ривожланишининг асосий драйвери бўлиб хизмат қиладиган барқарор савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқаларини шакллантириш тарафдоримиз. Пандемия инсоният дуч келаётган янги таҳдидларни кучларимизни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқалигина енгиш мумкинлигини кўрсатди. Биз ўзаро ҳамкорликни иқтисодиётни рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантириш ва инновацияларни кенг жорий этиш орқали мустаҳкамлашга объектив эҳтиёж сезмоқдамиз.

Афғон заминидан кўпдан буён кутилаётган тинчликка эришиш учун можаборони сиёсий йўл билан ҳал этиш ва бу жараён халқро ҳамжамият томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши принципиал муҳим аҳамиятга эга.

Хавфсизлик ва барқарорлик – минтақаларимизнинг изчил ривожланиши ва ўзаро алоқаларимиз мустаҳкамланишининг асосий шартидир. Бизнинг хавфсизлигимиз бўлинмасдир ва уни фақат конструктив мулоқот ҳамда биргаликдаги савдо-ҳаракатларимиз орқали таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқидан.



Покистон Бош вазири:

САМАРҚАНДНИ КЎРИШ ОРЗУИМ ЭДИ

Давлатимиз раҳбарининг таклифига кўра, юртимизга расмий ташриф билан келган Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон 16 июль куни Самарқандда бўлди.

Покистон Бош вазири Самарқанд билан танишувни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ҳамроҳлигида Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Қуръон тиловат қилиниб, буюк аллома ёд этилди. Ислон оламида муҳаддислар султони, деб эъзозланадиган Имом Бухорий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, бу зот номи билан боғлиқ масканни обод этиш борасида олиб борилаётган ишларга Покистон Бош вазири юксак баҳо берди.

Амир Темур мабараси, Регистон мажмуаси, Мирзо Улуғбек музейи ва расадхонаси ҳам Покистон делегациясида катта таассурот қолдирди. Имрон

Хон ёшлигиданоқ Самарқанд ва Бухорони кўришни орзу қилгани, Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларини катта қизиқиш билан ўрганганини алоҳида қайд этди.

– Самарқанд ҳақида, Амир Темур ва темурийлар давлати, уларнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида китобларда ўқиганим учун бироз тасаввурга эга эдим, – деди Покистон Бош вазири Имрон Хон. – Бугун келиб кўрдимки, Самарқанд мен ўйлаганимдан ҳам тарихий, гўзал ва муқаддас шаҳар экан. Унинг ҳар бир гўшасида тарихнинг, буюк аждодларингиз ақлу заковати, маданиятининг изи бор. Ўзбекистонга ташрифим ана шундай унутилмас таассуротларга бой бўлаётганидан хурсандман. Биз Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга интиляимиз ва бу бошланиши. Келгусида бу алоқаларимиз кенг кўламда, изчил давом этишига ишонаман.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
Алишер ИСРОИЛОВ (сурат).

«ЭЛ САОДАТИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИ»

юртимизда ана шу
ишлар амалий
ҳаракатга айланмоқда

Эркинжон
ТУРДИМОВ,

Вилоят ҳокими,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси



Пиллачилик соҳаси фахрийси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибни Салоҳиддин хожи Бобомуродов суҳбатларининг бирида шундай мулоҳаза билдирди:

– Давлатимиз раҳбари мамлакатда олиб борилаётган ислохотлардан, ўзгаришлардан одамларни кўпроқ хабардор қилиш зарурлигини таъкидлайдилар. Нега? Чунки ҳаётдаги ўзгариш аҳамиятини сезган одам сиёсатимизга, энг аввало, ўзига ишона бошлайди. Биз одамларни ўз

турмушидаги ўзгаришлар моҳиятини англашга, ўз тақдири учун қайғуришга ўргатишимиз зарур. Бундай одамлар нуқтаи назаридан жамият мафкураси шаклланади.

Ана шу суҳбат сабаб бўлди-ю ҳаётимизда кейинги йилларда рўй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг турмушимизда кўзга ташланадиган самаралари хусусида мулоҳаза юритишга қарор қилдим.

2-саҳифа >>>

Масала кўп, аммо натижа муҳим

16 июль куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўттиз еттинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишини Кенгаш котибияти мудир Ш.Йўлдошев бошқарди. Депутатлар дастлаб сессия иш ва кун тартибини тасдиқлаб олди.

КАМЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА БИР ОЙ МУДДАТ

Сессия ишида Самарқанд тумани ҳокими Н.Мавлоновнинг қайд этишича, ҳудудда тадбиркорлик субъектлари 5344 тани (ўтган йилга нисбатан 127 фоиз), шундан кичик бизнес субъектлари 3567 тани ташкил этмоқда. Жорий йилнинг иккинчи чорағида 1139 та янги субъект ташкил этилган. Натижада 6 ойи якуни билан маҳаллий бюджет тушумлари 36,1 миллиард сўм бўлган ёки режага нисбатан 7,2 миллиард сўм ортиги билан бажарилган. Йил якуни билан маҳаллий бюджетга тушумлар прогностга нисбатан 16,9 миллиард сўм кўп бўлиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, ярим йилликда 108,6 миллиард сўмлик 28 та, дастурлардан ташқари 60,9 миллиард сўмлик 36 та лойиҳа фойдаланишга қабул қилинган. Ушбу йўналишда 571 та янги иш ўрни яратилган. Хорижий инвестиция ўзлаштирилиши бўйича эса 6 миллион долларлик режа ўрнига 11,2 миллион доллар

чет эл сармояси олиб кирилган.

Албатта, туманда ютуқлар билан бирга муайян камчиликлар ҳам бор. Мисол учун, ўтган 6 ойда экспорт режаси 87,2 фоизга бажарилган. Шунингдек, ҳудуддаги 49 та мактабнинг бор-йўғи 9 тасида таълим 1 ва ундан паст коэффицентда, 91 фоизда эса таълим жараёни 2 навбатда ташкил этилган.

– Партия депутатлик гуруҳимиз томонидан олиб борилган ўрганишларда ҳамда трансформаторни таъмирлаш, 2 километр йўлни асфальтлаш, ўрта туркман маҳалласидаги симёғочларни алмаштириш ишлари бажарилмаган. Умуман, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳисоботлар билан боғлиқ бир қатор чалқашликлар ва муаммоли ҳолатлар мавжуд.

Депутатлар томонидан аниқланган муаммоларни бир ой муддат ичида бартараф этиб, Кенгашга маълумот тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛЯПТИ?

Сессияда муҳокама қилинган ушбу масала бўйича Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори И.Тўхтасинов ва вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Шодиевнинг ҳисоботи тингланди.

Қайд этилишича, вилоятдаги ихтисослаштирилган мактабларда хорижий тилларни ўқитиш бўйича Самарқанд давлат чет тиллар институти таянч олий таълим муассасаси этиб тасдиқланган.

Мавжуд умумтаълим мактаблари негизда хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этиш бўйича 18 та умумий ўрта таълим мактаби институтнинг 13 та мутахассислик кафедраларига бириктирилган. Ушбу мактабларни техник воситалар билан жиҳозлаш мақсадида 2 миллиард 322 миллион сўм ажратилади.

– 2020/2021 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларида 734 минг 398 нафар ўқувчи 5404 нафар чет тили ўқитувчилари дарс берди, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Шодиева. – Мазкур ўқитувчиларнинг 97,6 фоизи олий, 2,4 фоизи эса тугалланмаган олий маълумотли.

Қайд этиш лозимки, жорий йилда умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфини битирган 199 нафар ўқувчилар муддатидан олдин хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга қабул

қилинди. 147 нафар битирувчилар эса халқаро сертификат (IELTS бўйича 141 нафар, CEFR бўйича 6 нафар) олди.

Бундай муваффақиятлар кўламини кенгайтириш мақсадида Нуробод, Қўшработ, Каттақўрғон ва Пайриқ туманларига Бухоро, Навоий, Жиззах, Қашқадарё вилоятларидан 2 нафардан ўқитувчилар ишга қабул қилинди. Бирок мактабларимизда янги ўқув йили учун яна 95 нафар инглиз, 10 нафар немис ва 4 нафар француз тили ўқитувчиларига эҳтиёж мавжуд.

Сессия ишида, хориж эҳтиёжини қондириш, умуман, хорижий тилларни ўқитишни чуқурлаштириш борасида режалар атрофлича муҳокама қилинди. Мутасаддиларга бу борада зарур тавсиялар берилди.

ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИ

Сессияда вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғининг ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш борасида йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Ҳисоботда қайд этилишича, жорий йилда 18 минг 205 нафар фуқарони ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ва бунинг учун 19,1 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бирок ўтган 6 ой давомида буюртмачи-иш бериувчиларнинг буюртмаларига асосан 8 минг 448 нафар ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни жамоат ишларига жалб этиш учун 8 миллиард

239,4 миллион сўмлик йўғма буюртма-номалар шакллантирилган.

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ АМАЛДА(МИ?)

Сессия ишида мазкур масала юзасидан вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Б.Раҳматуллаев ҳисоботи кўриб чиқилди.

Таъкидланишича, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 августдаги “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон ҳисоботи кўриб чиқилди. Тизим орқали вилоятга 869 та ҳужжат асосида 5 минг 954 та топшириқ келиб тушган. Ушбу топшириқларнинг 4146 таси ижро этилган, лекин 724 таси айрим сабабларга кўра муддатидан кеч бажарилган, 1796 та топшириқ ижро этилаётган бўлса, 12 та топшириқ кўшимча муддат талаб қилинаётганлиги сабабли бажарилмаган.

Ижроси кечикаётган топшириқлар юзасидан депутатларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди. Бу борада галдаги вазифалар белгилаиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Депутатлар шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг жорий йил II ярим йиллигига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаб олдилар.

Бундан ташқари, вилоятни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этиш юзаси-

дан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Муҳокамалардан сўнг тегишли тузатишлар киритилиб, “Йўл харита”лари тасдиқланди.

ҲОКИМ ЎРИНБОСАРЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Сессия ишида вилоят сайлов комиссияси раиси С.Нуриев бўшаб қолган депутатлик ўрнига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди. Қайд этилганидек, 11 июль куни 28-Каттақўрғон сайлов округидаги 20 та сайлов участкасида овоз бериш жараёнида ташкил қилинган.

Қўтилган 32 минг 997 нафар сайловчилардан 26 минг 14 нафари қатнашган сайловда 78,8 фоиз овоз олган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Нурмуродов Илҳом Эргашевич** вилоят Кенгаши депутати этиб сайланган.

Сессия ишида вилоят маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбаларидан ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Депутатлар **Шуқуров Акмал Ғайратович**ни вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари, **Ҳайдаров Жамшид Темурович**ни вилоят ҳокимининг sanoatни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари - “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари лавозимига тасдиқлашди.

«ЭЛ САОДАТИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИ»

юртимизда ана шу ишлар амалий ҳаракатга айланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

АСОСИЙ МАҚСАД – ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида эзгулик ва ёвузлик, самимият ва разолат бақамти юради. Улар кураши-да қайси бирининг ғолиб келиши ёхуд устунроқ бўлиши у ёки бу минтақада яшовчи аҳоли миллий менталитети ҳамда маънавий даражаси билан белгиланади.



Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудида тарихда турли ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар юзага келган. Лекин бизга ғурур бағишлайдиган жиҳати шундаки, аждодларимиз инсоният тарихидаги икки Ренессансда фаол бўлганлар. Ана шу асос ва ишонч давлатимиз раҳбарига “Янги Ўзбекистон” ғоясини ўртага ташлашга ва уни халқ билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириш учун киришишга қатъият бағишлади, деб ўйлайман. Бинобарин, биз турмушимизда кўриб, сезиб турган барча ижобий ўзгаришлар ана шу қатъият самарасидир.

Албатта, бу эзгу ғоя моҳияти Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг ижроси жараёнида тизимларни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларда, дастурлар ва йўл хариталарида ўз аксини топган. Келинг, бу ҳаракат йўналишида шiorга айланган қондан ва талабларни қайд этилик:

“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”.

“Асосий мақсад – одамларни рози қилиш”.

“Бизнинг бош мақсадимиз янги Ўзбекистонни барпо этишидир”.

“Янги Ўзбекистонни билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан бирга барпо этишимиз”.

“Тиббиёт халқ билан давлат ўртасидаги адолатли кўприкидир”.

Хўш, ушбу сиёсат самарасини биз нималарда кўришимиз мумкин? Буни Самарқанд вилояти мисолида ифодалашга уриниб кўрамиз.

Бугун жамиятда самарқандликман, деган ҳар бир кишининг ўз овози бор. Мисол учун, телеграм ва инстаграм каналимга кунига 250-300 тагана мурожаатлар тушади. Ҳар бир ташкиллот ва сектор раҳбарига ҳам шу тарзда мурожаат қилиш мумкин. Бу мурожаатлар ва сайёр қабуллардаги тақлифлар ижроси ҳар ҳафта таҳлил этилади. Ижрога масъулиятсизлик билан ёндашган мутасаддиларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилади.

Эндликда шикоят ва муаммоларни ўрганишда ошкоралик таъминланмоқда. Масалани жойига бориб ўрганишда жамоатчилик, журналист ва блогерлар ҳам иштирок этади, жараён ижтимоий тармоқларда ёритилади. Ҳатто халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясини ҳам онлайн тарзда ёфирга узатяпмиз. **Мақсад – халққа яқин бўлиш, очик фаолият олиб бориш, давлат ва раҳбарлар фаолиятидан одамларни хабардор қилиш.**

Қабул қилинаётган қонун, фармон, қарор ва дастурлар лойиҳаларига тақлиф, фикр билдириш учун ўнлаб очик порталлар ишлаб турибди. Хўш, одилона айтингчи, сўз эркинлиги бундан ортиқ бўлиши мумкинми?

АВВАЛ ИҚТИСОД...

Давлат сиёсатининг самарасини бугун вилоятдаги ҳар бир соҳада кўриш мумкин. 2017 йил билан қиёслаганимизда, 2020 йил якуни билан вилоятда **ялли ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,4 фоизга ўсди**. Буни аҳоли жон бошига тақсимлаганимизда, 3,9 миллион сўмдан кўп дегандир. Кичик бизнес субъектлари тўрт йилда икки баробар кўпайиб, 35 мингга етди.

Буларнинг ҳаммасини ўзимизнинг мутахассислар, ёшлар уддалаяпти. Бугун дўконларимизда Самарқандда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўриб, кўзим қувнайди.



“Ургут” эркин иқтисодий зонаси тўрт йил ичида вилоят иқтисодиётининг локомотивига айланди. Бу ердаги корхоналарда 4300 киши ишляпти. Ҳудудларда унинг филиаллари очилляпти. Иқтисодий зонада 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2020 йилда 1,4 трллон сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 30 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Самарқанд замини кўҳна бўлиши баробарида, оқил

деҳқонлар, кластерлар шарофати билан энг ҳосилдор май-донларга айланди. **Ҳар йили 150 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 40 га яқин давлатга экспорт қилинмоқда.** Бу ҳолат моҳиятини шу пайтга қадар қўшни давлатларга арзимаган миқдорда, минг азоб билан ноз-неъмат сотганлардан сўранг.

Бугун Жомбой туманида **“SAG Agro” МЧЖ** барпо этган 1,4 минг гектар ёнғокзордан йилига олинаётган 9 минг тонна ҳосил, Жомбой ва Оқдарёдаги замонавий чорвачилик комплекслари, **“Zarafshon - Iomann - parranda” МЧЖ** етиштираётган 114 миллион дона тухум, 200 тонна гўшт, 3,5 миллион дона бир кунлик ва 400 минг бош 90 кунлик жўжалар вилоятга даромад келтирмоқда.

Дарвоқе, қишлоқ хўжалигида экспортбоп маҳсулот етиштиришда вилоятда тажриба тўпланди. Кластерлар ерлардан унумли фойдаланиш, томчилятиб сугориш, фойдали нав экинларини экиш, тайёр маҳсулотни сотишда деҳқонларга қўл келмоқда. Масалан, Пайариқ тумани, “Дўстлик” массивидаги **“Ингичка узумзори” ишлаб чиқариш кооперациясида 1,6 минг гектар интенсив узумзорлар ташкил этилиб, 3200 нафар кам таъминланган фуқароларга 0,5 гектардан бўлиб берилди.** Жорий йил якунигача кооперациядаги узумзорлар 2,3 минг гектарга етказилади. Асосийси, бугунги кунда фуқаролар узумзорларнинг қатор ораларига турли қишлоқ хўжалик экинлари экиб, кўшимча даромад олмақда.

Демоқчиманки, кластер усули деҳқонларнинг ерга бўлган муносабатини ўзгартаришга хизмат қиялпти.

Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий мақсади одамларни иш, доимий даромад манбаи билан таъминлашга қаратилган. Гарчи, бу борада муаммолар кўп бўлса-да уларни комплекс тарзда ҳал этиш йўллари топиляпти. Айтилик, кимдир бирор касбага ўқитилиб, кейин субсидия асосида иш жойи очмоқда. **6,8 минг нафар фуқарога субсидия асосида шахсий томорқасида иссиқхона қуриб берилди.** Шунинг баробарида уларга ўз маҳсулотини сотиш учун имконият яратилди.

Кичик бизнес эгаларини бу ишга жалб этиш яхши самара беряпти. Мисол учун, тикув машиналарини тарқатганимизда, айрим аёллар ундан самарали фойдалана олмади. Шундай пайтда, кичик бизнес эгаларига ўз корхонасини кенгайтириш ҳисобига, тикувчи аёлларни ишга олиш имкониятини яратдик. Бугун вилоятда 50-100 кишилик 74 та корхона ишлаб турибди. Бундай корхоналарда тажриба, бозор ҳам мавжуд. Ана шу йўл билан **9 минг нафар хотин-қиз мўқим иш жойига эга бўлди.**

Ургутлик тадбиркор йигит, давлатимиз раҳбарининг этиборига тушган Мажидхон Исломов ака-укаларини ёнига олиб, ташкил қилган оилавий корхонасида тайёрланаётган қўйлақларни бугун ўз бренди билан хорижга экспорт қиялпти. Ана шу йигитга бир сўхбатимизда корхонаси филиалларини жойларда ҳам ташкил этиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришини маслаҳат бергандим. Бунинг учун уни қўллаб-қувватладик. Бугун Мажидхон Қўшработнинг олис маҳалласида ҳам тикувчилик чеҳи очиб, қишлоқ аёлларини хунарга ўргатди, даромад топишига имконият яратди.

Бундай мисолларни ҳар бир туман, шаҳар, ҳатто маҳалалар мисолида келтириш мумкин.

Умуман, кўрилган чоралар туфайли жорий йилнинг ярмида 15,7 минг киши иш ўрнига эга бўлди. Ваҳоланки, 2017 йил 12 ойда шунча иш ўрни яратилган эди.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ – ЭНГ ЗАВҚЛИ ИШ



Келажгимиз ворислари билан деярли ҳар куни учрашаман. “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари барча шаҳар ва туманларда анъанага айланди. Шу йилнинг ўзида улар томонидан ўзимга билдирилган **1524 та муаммо ва масаланинг 84 фоизи ижобий ҳал этилди.** ДХХ масъул ходимлари билан маҳаллаларда ўтказилган учрашувларда билдирилган талаблар ҳам шу тарзда ижобий ҳал этилмоқда.

Вилоятимизда 270 минг нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтери”га қиритилган. Уларнинг 6351 нафари ер ажратиб берилди, 3181 нафарига тадбиркорликни бошлаш учун кредит ажратилди, 3569 нафар ёш ишга жойлаштирилди.

Ёшларни ақлий меҳнатга оид иш билан таъминлаш осон эмас. Негаки, аввало уларнинг пухта билим олишига, у ёки бу йўналишда малакага эга бўлишига, ҳаётий тажриба олишига эришмоқ лозим. Шу мақсадда ўтган 2020 йилда вилоятдаги олий ўқув юртлари битирувчиларидан раҳбарлик ва лидерлик қобилиятига эга 331 нафар йигит-қиз танлаб олинди. Улар билан мулоқот ва семинарлар ўтказдик ҳамда ҳокимлик захирасига олдик. Ҳозиргача 227 нафарининг бандлиги таъминланди. Жорий йилда эса 517 нафар шундай иқтидорли, фаол ва ташаббускор ёшлар саралаб олиниб, истиқболли кадрлар селекцияси орқали янги авлод кадрлар захирасини шакллантириш бўйича тизимли ишларни олиб боряпмиз.

“Ҳикмат излаганга ҳикмат бу дунё” деб бежизга айтилмаган. Ҳаёт бир ерда тўхтаб турмайди. Давлатимиз раҳбарининг шиддатли, оқилона сиёсатининг аҳамиятини сезиш учун ҳаётимизга теран нигоҳ билан қарашнинг ўзи кифоя, менимча.

Келинг, олий таълим муассасаларига ҳужжат ва тест топширишдаги навбату овозгарчиликларни, янги корхона очиш ёки уни ёпишдаги сарсонгарчиликларни, пенсияни расмийлаштириш ва олишдаги асаббўзарчиликларни бир кўз олдимишга келтирамиз. Энди-чи? Ҳозир давлат хизматлари агентлиги томонидан аҳолига 200 га яқин хизматлар кўрсатилмоқда. Тизим шаклланганлиги, тажрибалашгани сари бу ердан ишни битириш, яъни керакли ҳужжатларни олиш муддати ҳам қисқариб боряпти. Ҳозир уйда ўтирган ҳолда, пенсияни расмийлаштириш, барча турдаги тўловларни амалга ошириш мумкин. Ўқишга ҳужжат ва имтиҳон топшириш ҳам бюрократик тўсиқлардан холи бўлди. **Энди ўзимизга савол бериб кўрайлик: ҳар куни дуч келаётганимиз – бу енгилликларга шукрона айтишимиз керак эмасми?**

Демоқчиманки, ҳаётимизни оқилона таҳлил қилиб туриш, бизга уни тўғри англашга ёрдам беради. Ҳар биримизнинг нуқтаи назаримиздан эса миллат мафқураси шаклланади. **Бу мафқура игъвоу бўхтон, разолатга эмас, балки бунёдкорликка, ҳамкорликка таянгандагина халқимиз ҳаёти фаровонлашади, давлат қудратли бўлади.**

САМАРҚАНД ОСМОНГА БЎЙЛАЯПТИ



Вилоятдаги ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан, Самарқанд шаҳридаги “Қорасув” массиви тажрибасини айтмасак бўлмас.

Негаки, массивида ҳозиргача 5, 7, 9, 12, 14 ва 16 қаватли 116 та уй қурилди. Яқинда 2 та 25 қаватли уй фойдаланишга топширилади. Мавзеда 1 қатновда 1680 ва 540 ўринли мактаблар, 460 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилоти ва 11 та оилавий богча фаолият кўрсатмоқда, унлаб замонавий хизмат кўрсатиш нуқталари бор. Ҳудудда узунлиги уч километр бўлган истироҳат богининг қурилиши бошланди. Насиб этса, яқин йилларда ҳудуд 100 минг кишилик шаҳарчага айланади.

Айни пайтда шаҳарнинг темирйўл орти ҳудудидаги Меҳнат, Матонат, Майсазор маҳаллаларида ҳам ана шундай шаҳарча барпо этишга киришилди. Вилоятнинг барча ҳудудларида кўп қаватли уйлар қурилиши авж олган.


Очиғи, бу ишлар осонгина кечмаяпти. Йўл-йўлакай жуда кўп камчиликларни тугатишга, қурилиш индустриясини шакллантиришга, маҳаллий хомашёдан арзон қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга тўғри келяпти. Қурувчиларнинг маҳорати, маълумоти ва аҳоли талаби билан бу борада сифатга эришяпмиз.

ТУРИЗМ – АСОСИЙ ДРАЙВЕР

Самарқандда сайёҳлик йилдан-йилга эмас, ойдан-ойга, кундан-кунга ўсиб бормоқда. Кўҳна кентимиз ЮНЕСКО томонидан ҳар бир инсон умри давомида албатта кўриши шарт бўлган 50 та шаҳар қаторида эътироф этилгани ҳам бунинг далили. Аниқ статистикага тўхталадиган бўлсак, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони уч йилда 2-3 баробар кўпайди. Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхона, меҳмон уйлари ва хостеллар сони 410 тадан ошди.

Оруз Маҳмудов кўчасида туризм гастрономияси, Кони-гил туризм қишлоғи ва экосайёҳлик йўналишлари очилиши баробарида, соҳада хизмат қилувчилар сони 12 мингдан ошди.

Самарқанд эшак эшиш канали бўйида барпо этилаётган замонавий сайёҳлик марказида амфитеатр, кўнгилочар паркарлар, “Абадий шаҳар” карвонсаройи ва 8 та меҳмонхона қуриляпти. **212 гектарлик бу мажмуа сайёҳлик хабига айлантирилиши режалаштирилган.** Самарқанд шаҳридан



бу ерга келувчи янги йўл ҳам қуриляпти. Натижада сайёҳларга хизмат қилувчилар сони яна бир неча баробар кўпаяди.

Самарқанд тарихан сойлик, нотекис жойда қад ростлаган шаҳар. Шу сабабли, коммуникация тизимларини қуриш

бирмунча қийинчилик туғдиради. Лекин бу иш бизда қатъий жадвал асосида амалга оширилмоқда. Шаҳар кўчаларидаги табиий газ, ичимлик ва оқова сув қувурлари бутунлай янгиланмоқда. Ҳар битта кўча таъмирлянапти. Бу ишлар, насиб этса, бир йил ичида якунланади. Шу сабабли ҳам Президент Ш.Мирзиёевнинг Самарқандни “миллионли” шаҳарга айлантириш таклифини аҳолимиз ниҳоятда катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Бугун тунда шаҳар айлансангиз, ўзингизни эртаклар масканига келгандек ҳис этасиз. Таъмирдан чиққан кўчаларга пешма-пеш тунги ёриткичлар ўрнатиляпти. Йил якунигача аксарият кўчалар ана шундай нурафон бўлади.

КОММУНИКАЦИЯ ЗАМОНАВИЙ БЎЛАДИ

Улуғ байрам арафасида кўнглимдаги яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Бошқа вилоятлардаги каби бизда ҳам 5-6 йил илгари электр таъминоти жуда ёмон эди. **Қўшра-бот, Ургут, Пахтачи туманларида қишининг чилласида суткалаб электр энергияси бўлмасди.** Бошқа ҳудудларда, ҳатто вилоят марказида ҳам электр энергиясини соатбай беришга мажбур эдик. Бунинг устига соҳадаги хўжасизлик, эски усқуналар таъминотда асаббўзарлиқни юзага келтирарди.

Вилоят аҳолиси, жумладан, истеъмолчилар кўпайгани билан соҳада мутлақо модернизация ишлари олиб борилмаган. Йиллар давомида қисман эскирган 108 та нимстанция, 18541 километр узатиш тармоқлари, 7443 та трансформатор хизмат қилган, устунларнинг 245 мингтаси ёғочдан эди.

Қаранг, сўнгги тўрт йил ичида соҳада бир мунча тартиб ўрнатилди. 9 та нимстанция, 2394 километр паст кучланишли ҳаво узатиш, 60,8 километр 35-110 киловаттли занжирли юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари ва 876 та трансформатор, 240 мингга яқин бетон устунлар ўрнатилди. **Замонавий ҳисоблагичлар эса тўловдаги камчиликларга барҳам берди, ҳисоб-китоб тартибга тушди.**

Айтингчи, мана шундай ҳолатдаги машаққатли иш самарасини сезган одамларимиз қувончига шерик бўлмай бўладими?

Ичимлик суви таъминотида ҳам ана шундай ишлар амалга оширилди.

Ижтимоий тармоқларда баъзи йўлларимизнинг носозлиги тўғрисида ёзилади. **Бу тўғри, ҳали қўлимиз барча кўчаларга етиб боргани йўқ.** Бироқ бир таҳлилга эътиборингизни қаратмоқчиман. Вилоятда айни пайтда **17806 километр ички йўл бор.** 2016 йилгача ҳар йили 280-300 километр йўл қурилар ёки таъмирланарди. Шу йилнинг ўзида 1039,9 километр йўл қурилади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича 385 километр йўл тартибга келтирилади. Бундан ташқари, **икки йилда 25 дан ортиқ кўприк қўрдик.** Туристик манзилларга борадиган йўллар халқаро талабларга мосланди.



Биз мураккаб даврни бошдан кечиряпмиз. Хусусан, пандемия туфайли “манаман” деган давлатлар иқтисоди ҳам бир бора силкиниб олди. Лекин ана шундай оғир жараёнда ҳам давлатимиз аҳоли ғамини еийи йўлини топди. Ижтимоий ёрдам тўхтатилмади, ҳатто тадбиркорларга берилган имтиёз, молиявий ёрдам туфайли иқтисодиётимиз ҳам ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча, ўсиш сари юрди. Мисол учун, ўтган 2020 йилда бизда жами 8656 та юридик корхона ва 16091 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида 5213 та юридик корхона ва 10737 та якка тартибдаги тадбиркорлар янгидан иш бошлади.

2020 йилда жами экспорт ҳажми 335,3 миллион, шундан саноат маҳсулотлари 219,7 миллион ва мева-сабзавот 115,6 миллион долларни ташкил этди. Жорий йилнинг 6 ойида эса 188,5 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Жумладан, 144,6 миллион долларлик саноат ва 43,9 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари 385 экспортёр корхона томонидан 46 та хориж бозорларига сотилди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида ўз йўлини топган, қарвони собит қадам ташлаётган Ўзбекистондек Ватанимга меҳрим ошган сари ошиб бормоқда. Чунки **бу заманда инсон номи улуғланмоқда, ҳамма нарса халқ учун бағишланмоқда. Одамларни рози қилиш давлат сиёсатининг асосий мақсадига айланди.**

Ҳадисларда айтилганидек, “Ватанни севмоқ иймондандир”. Иймон эса, воқеаликка теран кўз, пок қалб билан қарашда кўринади. Шу нуқтаи назардан бугун ҳаётидан рози бўлиб яшаётган, камчиликларни ҳамжиҳатлик, ўз кучи билан барҳам топтиришга ҳаракат қилаётган доно халқимиз шукронасини олқишламоқ лозим.

Халқимизда “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” деган нақл бор. **Асрлар давомида ўзи яратган нақлга амал қилаётган халқимиз ўз салоҳияти билан мустақилликни қадрлай олади, мен бунга ишонаман!**

Таълимга умрини бағишлаган устоз

Орамизда Иброҳим Бобошевдек табиатан дилкаш, ташаббускор, ҳалол ва кези келганда маслаҳатлари билан барчага ўрнатқ бўладиган фидойи устозлар доим эъзозда.

И.Бобошев 1938 йил 7 июлда Иштихон туманидаги Барлос қишлоғида туғилган. Ёшлигидан тарих фанига қизиқиши сабабли мактаб қошида ташкил этилган тарих тўғарагига фаол қатнашиб, фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритган. Мактабни битиргач, орзу-интилишлари уни Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига етаклади.

Меҳнат фаолиятини тумандаги 69-умуттаълим мактабида тарих фани ўқитувчиси сифатида бошлади. Дарс ўтиш жараёнида кўргазмали қурооллардан самарали фойдаланиб, ўқувчиларни билим олишга қизиқтирди. Билими ва тажрибаси билан шогирдлари ҳамда жамоадoshлари орасида ҳурмат қозонди. У ўқувчиларга нафақат тарих, балки ҳуқуқ, маънавият, мантиқ фанларидан билганларини ўргатди. Меҳнатлари самараси ўлароқ, ўқувчилари туман, шаҳар кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашди, олий ўқув юртиларида ўқиди.

Кўп ўтмай И.Бобошев шу мактабда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб, ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга эътибор қаратди.

Иброҳим Бобошев 1972-



1976 йилларда тумандаги 22-умуттаълим мактабига директорлик қилди. Бу даврда муассаса моддий техника базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратди. У ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун мактабда фан ва спорт тўғараклари ташкил қилди. Бир умр таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Устоз таълим соҳаси жонкуяри бўлиши билан бирга, ибратли оила бошлиғи ҳамдир. Бугун турмуш ўртоғи Роҳила ая билан 8 нафар фарзанд, 24 нафар невара ва 3 нафар чеваранинг қамолини кўриб, бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Собир МАМАРАСУЛОВ.

Халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлган Қурбон ҳайити яқинлашмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 13 июлдаги қарорига кўра, Қурбон ҳайитининг биринчи куни 20 июль – Қурбон ҳайити байрами куни деб белгиланди.

Ушбу сана мусулмонлар учун ўзгача бир байрам ҳисобланади. Чунки, бу кунлар тақбири ташриқлар айтиш, қурбонликлар келтириш, ийд намозларини адо этиш ва ҳаж мавсуми билан ажралиб туради. Афсуслар бўлсинки, икки йилдан буён пандемия туфайли ҳаж ибодатини адо этиш имконияти бўлмапти. Ҳар бир иш Яратганнинг иродаси билан бўлади. Сабр қилиб, Аллоҳ таолодан бу касаллик бартараф бўлишини сўрасак иншоаллоҳ келгуси йилларда албатта муборак сафарларни адо этиш учун йўллар очилади.

Қурбон байрами куни биринчи қилинадиган иш – ийд намозини ўқиш ҳисобланади. Намоздан қайтгандан сўнг эса қурбонлик қилишга киришилади. Бу мусулмонларнинг суннатидир. Қурбонлиқни ҳайит кунлари (уч кун давомида) қилса бўлади. Аммо энг афзали биринчи ҳайит куни намоздан кейин қилинмоғидир. Бу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир нечта ҳадисларида баён қилганлар.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан намозгоҳда қурбон намозиға ҳозир бўлдим. У зот хутбаларини тугатиб, минбарларидан тушганларида бир қўчқор кетирилди. Бас, у зот уни ўз қўллари билан сўйдилар ва: «Бисмиллаҳи ва Аллоҳу Акбар! Бу мендан ва менинг қурбонлик қилмаган умматимдан, дедилар» (Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган).

Қурбонлик қилинадиган ҳайвонлар мол, қўтос, туя, қўй ва эчкилардан иборатдир. Бу ҳайвонларнинг эркағи ҳам, ургочиси ҳам, бичилгани ҳам, бичилмагани ҳам қурбонлик қилинса, бўлади. Бошқа ҳайвонларни қурбонлик қилиб бўлмайди.

Жумладан, Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мусиннадан бошқани сўйманглар. Фақат сизга қийин бўлиб қолгандагина қўйнинг жазъасини сўйсангиз бўлур», деганлари ривоят қилинган (Муслим, Абу Довуд ва Насайлар ривояти).

Ҳадиси шарифдаги «мусинна» туядан бўлса, беш ёшли, қорамолдан бўлса, икки

ёшли, қўй-эчкидан бўлса, бир ёшли бўлгандир. «Жазъа» Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг айтишларича, қўй-эчкининг

Қурбонлик гўштини улашиш –

ЭНГ МАҚБУЛ АМАЛ



олти ойлигидир.

Демак, имкони бор одам камида бир ёшли қўй ёки эчки қурбонлик қилиши керак. Агар қамбағаллиги туфайли, қўли қисқалик қилиб, бир ёшли қўй ё эчкининг иложини топа олмаса, олти ойлик бўлса ҳам, кифоя қилади.

Туя ва қорамол қурбонлик қилинадиган бўлса, улардан ҳар бирига етти киши шерик бўлиши мумкин.

Баро розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Тўрт нарса қурбонликка жоиз эмас – ғилайлиги очик-ойдин ҳайвон, беморлиги очик-ойдин ҳайвон, чўлоклиги очик-ойдин ҳайвон ва мияси чаток ҳайвон, дедилар».

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қулоғи кесик ва шохи синиқларни қурбонлик қилишдан қайтардилар».

Ҳанафий мазҳаби уламолари қурбон-

лик қилиш ҳур, балоғат ёшига етган, оқил, муқим (яъни мусофир кишига қурбонлик қилиш вожиб эмас) ва закот нисобига молик бўлган мусулмон шахсга вожиб бўлади, деганлар.

Халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатлари мана шундай муборак кунларда яна ҳам яққол намоён бўлиши инobatга олиниб, қурбонлик гўшти аввало, қарин-

дош-уруғ, қўни-қўшни, бева-бечоралар ва эҳтиёжманд оилаларга тарқатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу амалимиз, айниқса, бугунги пандемия шароитида хонадонга одамларни тўплаб, дастурхон ёзгандан кўра, энг мақбул ҳисобланади.

Аллоҳ таоло барча мўмин мусулмонларнинг қурбонликларини қабул айласин! Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз ахлини, бутун халқимизни Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги номидан Қурбон ҳайити билан муборакбод этаман. Барчангизга оилавий бахт, сихат-саломатлик, дину дунё ишларингизда муваффақиятлар тилайман! Аллоҳ бутун Ислom оламиға офият ва зафар берсин! Келаси шу ой, шу кунларга соғ-саломат, илму тақвода зиёдалик билан етиб боришимизни насиб айласин!

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ, вилоят бош имом-хатиби.

«»»» Мулоҳаза учун мавзу «»»»

Бугунги кунда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Бир кун ундан фойдаланмасак, ўзимизни замондан ортда қолгандек ҳис қиламиз. Аммо интернетдан фойдаланишни биламизми? Уйлашимча, йўқ.

ЁШЛАР ИНТЕРНЕТДАН тўғри фойдаланяптими?

Бир ўртоғимнинг ота-онаси Туркияда. Бола-чақам, уй-рўзгорим деб топганини оиласига жўнади. Яқинда усталар эски уйни таъмирлаш ишларини бошлади. Ўртоғим қутилмаганда Россияга жўнаб кетди. Албатта, пул топиш учун. Аммо ота-онаси Туркияда ишлаётгани учун унинг бу ҳаракати мени ҳайратлангандир. Воқеликнинг асл моҳияти ҳафта ўтмай аниқ бўлди. Маълум бўлишича, ўртоғим ота-онаси уй-жой қуриш харажатларига, деб юборган 1000 доллар пулни интернетдаги тотализаторда ютқазиб қўйган...

Тўғриси, бундай ўйинлар ортидан бойиб кетган бирон киши ҳақида маълумот йўқ. Аксинча, бу ўйинлар қўлимиги илингларнинг кўпчилиги ботқоққа ботган. Охириги пайтда ижтимоий тармоқларда шунга ўхшаган ўйинларни реклама қилиш кўпайиб кетган. Албатта, бу ўйинларнинг зарари ва унинг аянчали оқибатларини билмаганлар меҳнат қилмай осон пул топишга қизиқиб, "қимор" домига илинмоқда.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда сўнгги 15 йил

ичида биронта ҳам террористик ҳужум амалга оширилмаган. Бирок интернет сабабли мамлакатга радикал ғоялар кириб келяпти. Унинг тарғиботчиси эса асосан ёшлар бўлиб қолмоқда. Масалан, яқинда 17 ёшли ўсмир йигит телефони орқали диний мазмундаги материалларни оммага тарқатиб келганлиги аниқланди. У турли сайтлардаги террорчилик ташкилотларнинг медиа гуруҳлари томонидан диний ақидапарастлик ва экстремистик ғоялар билан йўғрилган видеороликлар ва маърузаларни тинглаб, ижтимоий тармоқларга жойлаган ҳамда террорчилик ташкилотлари сафига қўшилиб, уларни қўллаб-қувватлаб келган. Шунингдек, ёнига ҳатмторчилик йиғиб, уларни террорчилик ташкилотларига қўшилишга ундаган.

Албатта, унга нисбатан қонуний чора қўрилди. Аммо ҳолат шундай тус олишига, ён-атрофдагилар, барчамиз бирдек масъул эмасмизми?

Интернетда фойдали ахборотлар билан бирга турган-битгани зарар маълумотлар ҳам кўп. Бирок уларни ажратишда ким ёшларга устозлик қилади? Виртуал

оламда нима яхши-ю нима ёмонлигини уларга ким тушунтиради?

Дарвоқе, яқинда Покистонда Тик-Ток сабабли жиноятчилик ва гийҳвандлик моддалари истеъмоли ошиб бораётганлиги учун бу илова блокланди. Мамлакатимизда ҳам Twitter, "ВКонтакте" ва Тик-Ток иловаларининг блокланганлиги ҳақида хабар тарқалди. Лекин фақат чеклов билан қутилган натижага эришиб бўлармикан?!

Интернетда ўқигандим, Жанубий Кореяда ахборот технологиялари барча фуқароларга бепул тарзда ўқитилган экан. Шу боис бугун Корея бу соҳада исталган давлат билан рақобатлаша оларкан. Асосийси, улар кундалик ҳаётда деярли барча ишларини электрон тарзда амалга оширишга одатланишибди.

Айтмоқчи бўлганим, интернетдан фойдаланишни аввал ёши катталар ўрганиб олгани маъқулмикан? Балки шунда улар фарзанди ва яқинларига виртуал оламда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаси шаклланишида ёрдам берармиди?

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.



Шогирд ютуғи – устоз бахти

Мажидхон ўқувчилик йилларида математика ва ўзим таълим берадиган рус тили фанларига жуда қизиқарди. Тил ўрганишга алоҳида иштиёқи бор эди. Турли тадбирлар, кўрик-танловларда фаол иштирок этарди.

Жумладан, Мажидхон Исмолов ўқувчилик йилларида «Тил билиш олий неъматдир» кўрик-танловининг мактаб ҳамда туман босқичларида 300 дан ортиқ саволга жавоб бериб, ғолибликни қўлга киритганди. Ундаги қобилиятни кўриб, бу йигит келажақда

ўқитувчи бўлса керак, деб ўйлардим. Аммо у тадбиркорликни танлади, хорижга бориб иш ўрганиб келди. Бугун унинг қўл остида 100 га яқин ишчи-ҳодим бор. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат юртимиз, балки қўшни мамлакатларда ҳам харидорларини топиб улгурди.

Яқинда Президентимиз Мажидхон Исмоловни "Шухрат" медали билан мукофотлади. Собиқ ўқувчимнинг муваффақиятидан фахрланиб кетдим. Устоз учун шогирдининг ютуқларини кўриш энг катта бахтдир.

Аслиддин ҒУЛОМОВ, Ургут туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

«»»» Акс-садо «»»»

ҳам қанд касаллиги сабаб кесиб ташланган ногирон пенсионер бемор ўтирибди.

Димоғдор отахон сўкинара, кўксига муштлаб дағдаға қиларди. Ниҳоят ичкаридан бошлиқнинг ўзи чиқиб келди.

– Бас қиласизларми ёки йўқми? Ичкаридаги киши хушидан кетиб қолди, мусулмонлар! «Тез ёрдам» чақирдим ҳозир. Сўкинаётган одам ким ўзи?

– Мана бу киши, – ғудранди котиба кўзларига ёш олиб. – Отахон шу ишингиз яхшимиз? – у чолга нафрат аралаш тикилди. – Ёшингизга ярашадими шу қилигингиз? Ахир бемаврид келиб қолдингиз, оғир, беҳуш бемор бор хонамда, бир гап бўлса...

Мана, ёшингга сира ярашмайдиган бемаврид хатти-ҳаракатнинг оқибати – ҳамманинг кўнгли вайрон бўлди, ишинг битмади, уятга қолдинг!

Ёшлар бу нохушлиқдан ўрнатқ олишса, деган умиддаман.

Муродим УМРЗОҚОВ.

га ёзилин!

– Неча ёшга киргансиз? Димоғдор чол ноилж бошлиқ эшигини ёпди ва ёшини сўраган қарияга қаҳр аралаш тикилди.

ЖАҲЛ КЕЛСА, АҚЛ ҚОЧАР...

Ижтимоий таъминот бўлимига пенсия масаласида борганимда бошлиқ қабулида мижозлар таллайгина экан. Котиба қизга навбат рўйхатига ёзилган, мижозлар ёнига ўтирдим. Шу чоғ эшикдан башанг кийинган, димоғдор отахон ҳовлиқиб кирди-да, тўппа-тўғри бошлиқ хонасининг эшигини ланг очиб, қабулга кирмоқчи бўлди. Ана шунда мижозлар норозилиги бошланди.

– Ўвв, ота, қаёққа? Навбатга қаранг ахир, қабулда сиздан ҳам кексалар бор. Оғир бемор, ногиронлар бор-а!

– Шаҳар бедарвозами, навбат-

– Ёшим билан нима ишингиз бор? – Сўраяпманда, мен ҳам сиз қаториман, шекилли. Эрта тонгдан оқ келиб қабулга навбат олганман ахир, дўстим! – Келинг ёнимга, отахон навбатга ёзилинг олдин, исм-шарифингизни айтинг? – Нимагадир жаҳл аралаш хитоб қилди котиба. – Қабулга энг охири сиз кирасиз.

– Нима-а... Энг охири?! Сен қатори қиз неварам бор-а! Ёшим саксон учда! Хоҳлайсаними, йўқми ҳозир қираман қабулга.

– Кирилмайсиз! Ота, ичкарида ўғли ҳамроҳлигида икки оёғи



Hajmii 2 bosma taboq, bichimi A-2



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2012 йил, октябрь

25 октябрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Хусниддин Жўраев Пахтачи тумани ҳокими этиб тайинланди.

ноябрь

2012 йилнинг тўққиз ойида вилоятда ялли ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 фоизга ўсди. Бу вақт мобайнида 795,6 минг квадрат метр уй-жойлар, 70,5 километр табиий газ ва 281,6 километр ичимлик сув тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2013 йил, январь

16 январь куни Жомбой тумани Деҳқонобод қўрғонига йилгига икки марта пилла етиштиришга мослаштирилган замонавий ипак курти боқиш ва ахлоқий маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси иш бошлади.

29 январь куни Италиянинг Флоренция шаҳри делегацияси Самарқандга келди.

февраль

Вилоятда асосий капиталга қиритилган инвестициялар 1813,2 миллиард сўмини, қурилиш ишлари 1199,6 миллиард сўмини ташкил этди.

март

14 март куни вилоятнинг юз нафардан зиёд мусулмонлари Умра зиёратига йўл олди.

апрель

Вилоятда 293,1 гектар майдонда янги ва 368 гектар майдонда интенсив боғлар, 577 гектар ерда тоқзорлар яратиш ҳамда 393,6 гектар майдондаги мавжуд боғ ва 330 гектар майдондаги тоқзорларни қайта тиклаш ишлари бошланди.

16–17 апрель кунлари «Замонавий уй-жой қурилиши қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартариш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

26–27 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида 200 дан зиёд йирик ва кичик ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ҳамда тадбиркорлар иштирокида ҳудудий санат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

27 апрель куни Афросиёбдаги осори-атиқаларни қайта кўздан кечириш чоғида форда йирик илмий топилма – базальт тошидан ясалган, халқ орасида «кели», «ғўрича» деб номланган VI–V асрга оид рўзгор буюми топилди.

Газетанинг навбатдаги сони 2021 йил 20 июль, сешанба куни чоп этилади.